



2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 157 (1218), 2024 йил 7 август, чоршанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz



БИР БЎЛСАК — ЯГОНА ХАЛҚМИЗ, БИРЛАШСАК — ВАТАНМИЗ!

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЎЗБЕКИСТОН

ТЕМИР ЙЎЛ СОҲАСИДАГИ НАТИЖАЛАР ВА РЕЖАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 6 август куни темир йўл соҳасида олиб борилаётган ишлар ва келгуси режаларга оид тақдимот билан танишди.

Ўтган йили 10 октябрда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятини трансформация қилишга оид Президент қарори қабул қилинган эди. Бу жараёнга кўмаклашиш мақсадида халқаро консалтинг компанияси ҳам жалб этилди.

Жамият таркибида инфратузилма, вагон хизмати, йўловчиларни ташиш кабилар билан шугулланувчи 6 та мустақил корхона иш бошлади. Самарасиз ва бир-бирини такорловчи вазифалар бирлаштирилиб, ортиқчалари қисқартирилди.

Поездлар таркибига 1 минг 40 та янги юк ва 45 та йўловчи вагони қўшилди. Ички йўналишда юк ташиш муддати 2 катта қисқарди. “Келес” станциясида қўшимча 2 та электрлашган йўлни қуриш орқали Тошкент атрофида поездларни ўтказиш имконияти 30 фоизга ошди.

Илгари йиллар давомида зарарга ишлаб келган “Ўзбекистон темир йўллари” бу ислохотлар натижасида фойда кўришга ўтди.

Тақдимотда галдаги вазифалар, ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Кейинги вақтларда йўловчи вагонларининг аҳоли, совиштиш тизимидаги муаммолар бўйича кўп эътирозлар бўлмоқда. 143 та вагон таъмирталаб. 59 та локомотив хизмат муддатини ўтаб бўлган.

Шунинг учун янги йўловчи вагонлар ишлаб чиқаришга Саноатни ривожлантириш жамғармасидан 50 миллион доллар ажратилмоқда. 38 та локомотив олиб келиш ва 12 та электровозни модернизация қилиш бўйича хитойлик ҳамкорлар билан 181 миллион долларлик келишувга эришилган.

Мутасаддилар ушбу маблағлар ҳисобидан поездлар паркани янгилаш режалари бўйича ахборот берди.

Шавкат Мирзиёев ўтган йили қорақалпоғистонлик сайловчилар билан учрашувда Тошкентдан Нукусга тезорар поезд қатнови йўлга қўйилишини айтган эди.

Бунинг учун Жанубий Кореянинг Hyundai Rotem компаниясидан 6 та замонавий электропоезд олиб келиниши белгиланган. Ҳозирги кунда узунлиги 465 километр бўлган “Бухоро — Урганч — Хива” темир йўли электрлаштирилмоқда ва бунинг охиригача якунлаш мўлжалланган. Келгуси йилларда 196 километрлик “Мискин — Нукус” тармоғи электрлаштирилади. Натияжада йўловчиларнинг манзилга етиб бориш вақти 16 соатдан 7 соатгача қисқаради.

Тақдимотда, шунингдек, акциядорлик жамиятига қарашли носоҳайи активларни хусусийлаштириш, соҳада хизматлар сифати ва экспортини ошириш масалалари бўйича кўрсатмалар берилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ҚОЗОҒИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан 7-9 август кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ, икки мамлакат раҳбарларининг музокаралари ва Президентлар раислигида Олий давлатлараро кенгашнинг биринчи йиғилиши ўтказилиши режалаштирилган. Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада чуқурлаштириш масалалари, халқаро ва минтақавий кун тартибининг долзарб жиҳатлари кўриб чиқилади.

Асосий эътибор савдо, саноат кооперацияси, транспорт ва логистика, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда бошқа устувор йўналишлардаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига қаратилади.

Икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган ҳужжатлар тўпламини қабул қилиш кутилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, давлат ташрифи доирасида Қозоғистон пойтахтида ишбилармонлик ва маданият тадбирлари ўтказилмоқда. Буюк Ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ҳайкалининг очилиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Президенти 9 август куни Остона шаҳрида бўлиб ўтадиган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашуви ва “Марказий Осиё + Япония” мулоқотининг биринчи саммитида ҳам иштирок этади.

ЎЗА

Биз ва дунё



Ўзбекистон — Қозоғистон: МАРКАЗИЙ ОСИЁ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 7-9 август кунлари давлат ташрифи билан Қозоғистонда бўлади. Мамлакатимиз етакчилиги таъсир доирасида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Остона шаҳрида бўлиб ўтадиган олтинчи Маслаҳат учрашувида ва “Марказий Осиё + Япония” форматидаги саммитда иштирок этади.

Давоми 2-бетда

ПРЕЗИДЕНТ 10 МИЛЛИОНДАН ЗИЁД АҲОЛИ ҲАЁТИГА ДАХЛДОР ҚОНУННИ ИМЗОЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев “Ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкалари ҳамда уларда қурилган бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги қонунни имзолади.

Бу кўпчилик аҳоли қутаётган, миллионлаб оилалар ҳаётига дахлдор масала эди. Дастлабки ўрганишларга кўра, ҳозирда ҳуқуқий ҳужжатлари йўқ ёки тўлиқ бўлмаган 3 миллион 600 мингдан ортиқ ер участкалари мавжуд.

Шу боис, давлатимиз раҳбари 2023 йил 21 ноябрда ер ҳисоби ва кадастр хизматлари бўйича ўтган видеоселектор йиғилишида бу масалани қонуний ҳал этиш зарурлигини айтган эди. Шунга мувофиқ, соҳа мутахассислари ва депутатлар иштирокида қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бунда Италия, Болгария, Хорватия, Чехия ва бошқа давлатларнинг ижобий тажрибаси инобатга олинди. Олий Мажлис палаталари муҳокама-ларида пишитилди.

Қонун 6 та боб ва 35 та моддадан иборат бўлиб, унда қуйидаги ер ва мулкларга нисбатан ҳуқуқлар эътироф этилмоқда:

- 1) 2018 йил 1 май кунига қадар фуқаролар яқка тартибдаги уй-жой қурган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаган ер участкаси ҳамда унда қурилган бино ва иншоотларга;
- 2) 2018 йил 1 май кунига қадар фуқаролар ва ташкилотлар томонидан ҳужжатда кўрсатилган майдондан ортиқча эгалланган ер участкаси ҳамда унда қурилган бино ва иншоотларга;
- 3) “бир марталик акция” доирасида ҳуқуқларни эътироф этиш охиригача етмаган ер участкаси ҳамда унда қурилган бино ва иншоотларга;
- 4) 2021 йил 8 июнга қадар туман (шаҳар) ҳокими қарори билан ажратилган, лекин вилоят ҳокими ёки халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланмаган ер участкаларига;
- 5) боғдорчилик ва узумчилик ширкатлари ҳудудидаги турар жойлар ҳамда улар эгаллаган ер участкасига;

6) кичик саноат зоналарига 2020 йил 9 мартгача жойлаштирилган тадбиркорларнинг ер участкасига;

7) давлат ордери билан хусусийлаштирилган бинолар ва уйлар эгаллаган ер участкасига;

8) ҳоким қарори билан мулк ҳуқуқи эътироф этилган бинолар ва уйлар эгаллаган ер участкасига.

Қонунда ҳуқуқларни эътироф этишнинг асосий шартлари ҳам аниқ белгиланган. Масалан, ер бошқа шахсга ажратилмаган ёки аукционга чиқарилмаган бўлиши, ер бўйича низо бўлмастлиги, бош режа талабларига зид эмаслиги ва бошқа омиллар ҳисобга олинади.

Ҳуқуқларни эътироф этиш ҳудудлар бўйича босқичма-босқич амалга оширилади. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга тааллуқли маълумотларни ва ҳужжатларни келишиш Кадастр агентлигининг автоматлаштирилган ахборот тизими орқали амалга оширилади. Бу тизимга 15 та ваколатли ташкилот ҳам тегишли маълумотларини киритади.

Тўпланган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва қонунийлиги вилоят адлия бошқармаси томонидан текшириб чиқилади. Уларнинг натижалари маҳалла бурчақлари, Кадастр агентлигининг сайти орқали жамоатчиликка эълон қилинади. Ижобий ҳулоса қабул қилинган фуқароларга СМС-хабарнома юборилади. У асосида бир марталик тўловни амалга оширганларга ҳар чоракда Халқ депутатлари вилоят кенгаши қарори билан ҳуқуқлар эътироф этилади.

Прокуратура, ички ишлар, агроинспекция, экология, кадастр органлари қонунни амалга оширишда давлат назоратини ўрнатади.

Шунингдек, қонунда жамоатчилик назоратига алоҳида эътибор қаратилган. Яъни халқ депутатлари туман кенгашлари қарори билан ҳар бир маҳаллада жамоатчилик гуруҳлари ташкил этилади. Бу гуруҳларга маҳалла жойлашган округдан сайланган туман кенгаши депутати, маҳалла раиси ва фаол фуқаролар киритилади.

Турар жойлар, хусусийлаштирилган ёки мулк ҳуқуқи эътироф этилган бино ва иншоотлар остидаги ер участкаларига ҳуқуқларни эътироф этиш учун бир марталик тўлов олинади.

Бу тўлов Тошкент шаҳрида базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари, Нукус шаҳри ва вилоят марказларида 3 баравари, шаҳарларда 2 баравари ва бошқа аҳоли пунктларида бир бараварини ташкил этади. Ижтимоий ғимоя ягона реестрига киритилган ва ногиронлиги бўлган шахсларга чегирма берилади.

Бир марталик тўловдан кадастр ва адлия идоралари, “Ўзбеккосмос” агентлигининг харажатлари қопланади. Қолган маблағлар ташаббусли бюджет тадбирларига йўналтирилади, яъни ўша маҳаллаларнинг ўзига сарфланади.

Қонун 3 ойдан кейин кучга киради, унга қадар жойларда тарғибот, тушунтириш ва тайёргарлик ишлари амалга оширилади. Қонун 2028 йил 1 январга қадар амал қилади.

Шу ўринда айтиш керакки, Қорақалпоғистон Республикасида бу борадаги ишлар алақачон бошланган. Ўзбекистон Президентининг 2023 йил 28 июлдаги фармони билан фақат ушбу ҳудуддаги ҳужжатсиз уй-жойлар ва улар жойлашган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қарори билан эътироф этишга руҳсат берилган эди.

ЎЗА

Таҳлил ва таққос ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ ИШБИЛАРМОН ДОИРА ВАКИЛЛАРИНИНГ МАВЖУД БИЗНЕС МУҲИТИГА МУНОСАБАТИ

Президентимизнинг тадбиркорлар билан анъанавий очик мулоқотида саноқли кунлар қоляпти. Айни кунларда Қорақалпоғистонда бўлиб ўтиши кутилаётган навбатдаги учрашув олдида соҳа масъуллари тадбиркорлар билан уларни қийнаётган муаммолари масалалар, тақлиф ва ташаббусларни ўрганиш ҳамда ечим топиш мақсадида фаол мулоқотга киришган.

Албатта, ушбу амалий мулоқотларда тадбиркорлик фаолияти ривожига боғлиқ асосли ташаббуслар билан бирга, кенг жамоатчилик муҳокамасига сабаб бўлаётган тақлифлар ҳам билдирилади.

Аслида, ҳозир айтмоқчи бўлганларимиз бу ҳақда эмас. Эслашимиздан мақсад — мавзу боғлиқлиги.

Яъни ишбилармон доира вакилларининг тадбиркорлик соҳасида мавжуд ҳолат, ютуқ ва камчиликлар борасидаги фикри ҳақида.

Институтимиз Президентимиз ва ҳукуматнинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган қарорлари таъсирини ўрганиш ва самарадорлигини баҳолаш, имтиёزلардан фойдаланишда

юзага келаётган муаммоларни аниқлаш мақсадида турли соҳаларда фаолият юритаётган 11 минг 300 дан ортиқ тадбиркор ўртасида онлайн сўров ўтказди. Унда соҳа ва тармоқлар, ҳудудлар қамраб олиншига алоҳида эътибор қаратилди.

Давоми 3-бетда



Таҳлил ва таққос

ЎЗБЕКИСТОНДА
ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ



Ботир АБДУЛЛАЕВ,
Макроиқтисодий ва ҳудудий
тадқиқотлар институти
лойиҳа раҳбари

ИШБИЛАРМОН ДОИРА ВАКИЛЛАРИНИНГ
МАВЖУД БИЗНЕС МУҲИТИГА МУНОСАБАТИ

Бошланиши 1-бетда

Тадбиркорлик соҳаси ривож билан боғлиқ муҳим сўровларга иштирокчилар турлича жавоб берди. Хусусан, **биринчи** — давлат томонидан тадбиркорлар учун берилган имтиёз ва преференциялар тўғрисидаги маълумотлардан хабардор бўлишдаги муаммо ва қийинчиликлар тўғрисидаги саволга 40,1 фоиз иштирокчи ҳеч қандай муаммо ва қийинчилик йўқ, деб жавоб берган. Афсуски, бу сафар 2023 йил июлида ўтказилган аynи сўроғга нисбатан бир оз пасайиш кузатилди, яъни ўтган йили 48,2 фоиз иштирокчи муаммо ва қийинчиликлар йўқлигини эътироф этганди.

Шунингдек, тадбиркорлар маълумотлар тарқоқ ҳолда бўлгани ва қийинлиги (25,7 фоиз), улар билан коммуникация каналининг яхши йўлга қўйилмагани (13,3 фоиз), тегишли соҳа ёки бизнесга аниқ мос келадиган маълумотларни бир жойдан топишнинг қийинлиги (13,2 фоиз) ҳамда мунтазам янгиланиб бориладиган маълумотлар базасига кириш мураккаблигини (7,7 фоиз) қайд этган.

Худудлар кесимида Андижон (34,5 фоиз) ва Хоразм вилоятларида (34,8 фоиз) маълумотлар тарқоқ ва мураккаблиги муаммоси нисбатан юқори бўлган.

Иккинчи, расмий ҳужжатлар қабул қилинишидан олдин тадбиркорларнинг уларга оид фикр-мулоҳазаларини инобатга олишнинг муҳимлигига доир сўроғга 40,5 фоиз иштирокчи бу жиҳат Президентимиз ва ҳукумат томонидан қабул қилинаётган қарорлар самарадорлиги ва манзиллилигини таъминлашни билдирган. 23,2 фоиз иштирокчи фикрича, уларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиш тадбиркорларнинг ҳукуматга ишончини оширади. Шу билан бирга, расмий ҳужжатларга тез-тез қўшимча ва ўзгартришлар киритилишининг олдини олади (18,3 фоиз) ва тадбиркорлар фаолияти барқарор ривожланишини таъминлайди (18 фоиз).



Учинчи, Президентимизнинг ўтган йили тадбиркорлар билан ўтказган очиқ мулоқоти ва тадбиркорлар учун яратилган қўлайликлардан 87,3 фоиз иштирокчи хабардорлигини маълум қилган. 12,7 фоиз эса бунинг аксини билдирган. Энг юқори хабардорликка эга ҳудудлар сифатида Қорақалпоғистон Республикаси (95 фоиз), Андижон (93 фоиз) ва Хоразм (75 фоиз) вилоятлари кўрсатилган. Яратилган қўлайликлар натижасида фаолиятида ижобий силжишлар бўлганини респондентларнинг 69,3 фоизи эътироф этган.

Уларнинг 23,4 фоизи ислохотлар самарасини қисман ҳис қилаётганини қайд этган бўлса, 7 фоизи ўз соҳасида қўлайликларни сезмаганини билдирган. Ўзгаришлар бўлмади, деган жавобнинг юқори даражаси Навоий (10,3 фоиз) ва Тошкент (17,9 фоиз) вилоятларида қайд этилган.

Тўртинчи, 2023 йил 1 октябрдан ҚҚСни қайтаришда солиқ узлиши коэффициентини қўллаш (Tax Gap) тизими беқор қилинишининг корхоналар фаолиятига таъсирини тадбиркорларнинг учдан икки қисми (66,5 фоиз) ижобий баҳолаган.

Фаолиятига таъсири бўлмаганларнинг улуши 12,8 фоиз.

Маъкур ўзгаришларни ҳудудлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, Хоразм (79,2 фоиз), Андижон (77 фоиз)



томонидан давлат органларига ҳисобот ва статистик маълумотларни тақдим этиш жараёнини янада соддалаштириш тўғрисидаги қарорнинг ижобий таъсирини таъкидлаган.

Тўққизинчи, солиқ ислохотларини амалга оширишда солиқ мажбурияти бўйича қўллаб-қувватлаш комплекс дастури бўйича ўтказилган сўров натижаларига кўра, ушбу қўллаб-қувватлаш механизмидан тадбиркорларнинг 57,7 фоизи фойдаланмоқда. Худудлар бўйича Андижон (72,8 фоиз), Хоразм (73,9 фоиз), Бухоро (64 фоиз) вилоятларида фойдаланиш даражаси нисбатан юқори.

Тадбиркорларнинг 60,2 фоизи маъкур дастурнинг амалий фойдаси бўлгани, 19 фоизи эса унинг фойдаси йўқлигини кўрсатиб ўтган.

Саккизинчи, тадбиркорларнинг 83,2 фоизи ҳисобот ва статистик маълумотларни тақдим этиш жараёнини янада соддалаштиришга оид чора-тадбирлардан хабардорлиги, 16,8 фоизи эса аксини кўрсатган. Тадбиркорларнинг асосий қисми тадбиркорлик субъектлари



ййча даъво қилиш муддатининг уч йил қилиб белгиланишидан иштирокчиларнинг аксарият қисми (84 фоиз) хабардор эканини билдирган бўлса-да, бу механизмнинг таъсирини турлича баҳолаган. Мамлакат бўйича уларнинг 70,3 фоизи ижобий таъсири борлигини, 14,4 фоизи таъсири йўқлигини, 13,8 фоизи ушбу механизмнинг мавжудлигидан хабардор эмаслигини қайд этган.



Ўнинчи, саноат зоналарида ер майдонлари ҳамда бино ва иншоотларни ижарага беришда тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш даврининг 12 ойдан 24 ойгача узайтирилишини тадбиркорларнинг асосий қисми (77,1 фоиз) ижобий таъсир сифатида эътироф этган.

Бирок 9,3 фоиз тадбиркорлар бу имтиёздан қониқмаганини билдирган. 13,7 фоизи фаолиятида ушбу механизм қўлланилмаслигини таъкидлаган. Бу имтиёзлардан қўпроқ Хоразм (91,2 фоиз), Бухоро (85,7 фоиз), Андижон (83,9 фоиз) вилоятлари унумли фойдаланган.

Ўн биринчи, тадбиркорларнинг ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланиши бўйича қўрилаётган чора-тадбирларга муносабат қуйидагича: 74 фоиз ижобий, 15,7 фоиз бетараф, 4,6 фоиз салбий. Қолган иштирокчилар жавоб беришга қийналишини маълум қилган.

Худудлар бўйича нисбатан салбий баҳо Самарқанд (8,7 фоиз), Тошкент (7,4 фоиз) ва Жиззах (7,4 фоиз) вилоятларида кузатилган. Хоразм (86 фоиз), Навоий (81 фоиз), Андижон (81,1 фоиз) вилоятларида ҳукуматнинг тадбиркорлик борасидаги сиёсатига нисбатан энг юқори ижобий баҳо берилган.

Ўн иккинчи, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирларини амалга оширишга доир сўроғга 59,7 фоиз иштирокчи, биринчи навбатда, имтиёзли кредитлар механизмини соддалаштириш кераклигини кўрсатиб ўтган. Солиқларни тўлаш муддатини узайтириш (34 фоиз) тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда иккинчи муҳим омил сифатида қайд этилган. Иштирокчилар фикрича, учинчи муҳим чора солиқ ставкасининг янада пасайтирилиши (33 фоиз).

Ўн учинчи, қўшимча қўллаб-қувватлашга муҳтож соҳа ва тармоқлар сифатида қишлоқ ва ўрмон ҳўжалиги (34 фоиз), саноат (27 фоиз), электр таъминоти барқарорлаштириш (21,2 фоиз), “яшил” иқтисодиёт ва экология (18,9 фоиз), сув таъминоти (17,3 фоиз), хизматлар (13,2 фоиз), чиқиндиларни қайта ишлаш (11,3 фоиз) белгиланган.

Умуман олганда, сўровда иштирок этган тадбиркорларнинг жавобларидан аналлаш мумкинки, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида тадбиркорлик фаолияти жадал ривожланиб бормоқда. Бунда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, инфра-

тузилма яратиш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ҳамда билим ва маъласини ошириш юзасидан қўрилаётган чоралар ижобий самара берапти.

Ўз навбатида, сўров натижалари таҳлили қайси соҳа ва тармоқлар ёки ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш учун қайси жиҳатларга эътибор қаратилиши лозимлигини ҳам кўрсатади. Фикримизча, уларни ҳал этиш орқали бутун юртимизда кечаётган ислохотлар шиддатига мос ривожланиш тезлигига, қўзланган катта мақсадларга эришишга замин яратилади.

2024 йил 7 август, 157-сон

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар таҳлил қилинса, бутун мазмун-моҳияти озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, тежамкор технологияларни қўллаш, аҳоли даромадини ошириш, соҳа меҳнаткашларини рағбатлантириш, мавжуд ресурслардан тежаб фойдаланиш каби катта мақсадларга қаратилганида намоён бўлади.

Бу энг тўғри ва ўта зарур чоралардир. Чунки бугун замон турли эврилишлар қўрқовида. Табиат инжиқликлари ташвишли тус олмақда. Экологик вазият таранглашган. Шу жиҳатдан Ўзбекистонда аграр тармоқни ислох қилиш, соҳада давлат бошқарувини такомиллаштириш, бозор муносабатларини кенг жорий қилиш, махсулот етиштирувчи, қайта ишловчи ва сотувчилар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, инвестиция жалб қилиш, ишлаб чиқарувчиларни замонавий техникалар билан таъминлаш борасидаги ишлар қўламини тобора кенгайтиб бораётир. Хусусан, соҳани янада ривожлантириш ва инновацион лойиҳаларга йўналтирилган илмий тадқиқот, таълим ҳамда маслаҳат хизматлари ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш, қўлай агробизнес муҳити ҳамда юқори қўшилган қиймат занжири яратишда интеграциялашув кучайди. Бу билан замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, статистик маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва тарқатишнинг ишончли услубларига йўл очилди.

ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ ВА ЯНГИ ЙЎНАЛИШДА ҲАМКОРЛИК

Юртимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда қишлоқ хўжалиги муҳим ўрин тутadi. Аслида, географик жойлашув ва иқлим шароити нуктаи назаридан Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштириш анча қўлай. Лекин соҳани ислох қилиш орқали бу имкониятни янада ошириш, самарали фойдаланиш мумкин. Эътиборли-си, бу борада яхши натижага эришилганди. Жумладан, ҳозир мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг тўртдан бир қисми айнан қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келади. Юртимиз бўйича иш билан банд аҳолининг қарийб 25 фоизи қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларида меҳнат қилади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли бугун соҳа учун қандай шароит керак бўлса, барчаси яратилганди. Хусусан, қишлоқ хўжалигининг картошкачилик, мева-сабзавотчилик, узумчилик, пахтачилик, галлачилик, чорвачилик, паррандачилик, озиқ-овқат саноати, хизмат кўрсатиш, тадбиркорлик соҳаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Масалан, яқинда вазирлигимиз вакиллари Хитойнинг энг йирик ва етакчи ҳудудларидан бири — Шинжон-Уйғур автоном райони билан амалий ҳамкорлиқни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилди. Натижада юртимизда Хитой тажрибаси асосида қорамол ва паррандачилик экомплекслари ташкил этилади. Уларда шўр ва сувсизликка чидамли маккажўхори, сорго, беда каби озуқага бой экин навлари еклиди. Интенсив анор, қовун, пекан қанғога ва балиқчилик плантациялари барпо қилинади. Мева-сабзавотини сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш технопарки ташкил этилиб, шўр ва сувсизликка чидамли экин турлари, чорвачилик наслларини яратиш бўйича Чин юртининг мажбур йўналишдаги етакчи олийгоҳлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Уларнинг филиали очилиб, қишлоқ ва сув хўжалиги учун кадрлар тайёрлаш ҳамда ер ўзлаштириш, чўлланиш, ирригация ва экология йўналишида илмий тадқиқотлар қилинади.



БУГУН ҲАР СОҲАДА ИЗЛАНУВЧАНЛИК ТАЛАБ ЭТИЛАДИ



Шамшод ЭРҒАШЕВ,
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
котибияти бошлиғи

БОҒДОРЧИЛИК ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

Хорижга экспорт қилинаётган қишлоқ хўжалиги махсулотлари орасида меванинг алоҳида ўрни бор. Уларни излаб, сўраб-суриштириб сотиб оладиганлар қанча. Шундай экан, боғдорчиликка эътибор қаратмай бўладими? Жорий йилнинг олти ойида мева-сабзавот ва озиқ-овқат махсулотлари экспорти қиймати 910 миллион долларни ташкил қилди. Йил якунигача режа қилинган экспортни таъминлаш учун биринчи галда қайта ишланган мева-сабзавот экспортини кескин кўпайтириш кераклиги кўрсатиб ўтлди. Ушбу масалалар яқинда Президентимиз раислигида иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш юзасидан биринчи ярим йилликда амалга оширилган ишлар ва келгуси вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида алоҳида қайд этилди. Ҳозир сақлаш, саралаш ва қайта ишлаш қувватини ошириш бўйича 9 триллион сўмлик 382 та лойиҳа бўйича ишлар бошланган, бундай лойиҳаларни кўпайтириш, йил якунигача жами қуввати 57 минг тонна бўлган 10 та агролокализация маркази, 230 минг тонналик советкичи ombорхона қуриш зарурилиги таъкидланди. Мева-сабзавотни сақлаш снгимини 63 фоизга етказиш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясига мувофиқ, қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баробар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш устувор мақсад сифатида белгилаб олинган. Жумладан, унга мувофиқ, туманларни муайян маҳсулот турини етиштиришга ихтисослаштириш, қишлоқ хўжалигида давлат томонидан қўлаб-қувватлаш қўламини кенгайтириш ва сўғурталанишнинг янги механизмларини амалга ошириш, фойдаланишдан чиққан 464 минг гектар майдонни кластерларга оқич танлов асосида ажратиш, 200 минг гектар пахта ва галла майдонини қисқартириш ҳамда аҳолига оқич танлов асосида узоқ мuddатли ижарага бериш каби ишлар жадал бажарилмоқда.

Экспортбоп махсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, интенсив боғлар майдонини 3 баробар ва иссиқхоналарни 2 баробар кўпайтириб, экспорт имкониятини яна 1 миллиард долларга етказиш кўзланган.

Умуман, барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш йўлида айнан қишлоқ хўжалигида экспорт қиймати йилга 10 миллиард долларга етказилиб, соҳага жами 15 миллиард долларлик инвестиция жалб қилинади. Қўшимча 300 минг гектар ер замонавий сув тегишчи технологияларни қўллаш орқали ўзлаштирилади, 100 та янги агрологистика маркази ишга туширилади.



ВЕРТИКАЛ ТИЗИМ НИМАСИ БИЛАН АФЗАЛ?

Бугун Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида том маънода янги давр бошланди. Айтиллик, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва ташкилотлари ҳамда ҳудудий бошқармаларида вертикал бошқарув тизими жорий этилгани, кадрлар тайёрлашда бутунлай янгича ёндашув асосида ўқув дастурлари яратилаётгани самара бермоқда. Ўзгаришлар, шунингдек, соҳада илм-фан ютуқлари ва инновациялардан кенг фойдаланилаётгани, агроасаноат мажмуалари тўлиқ рақамлаштирилган, экин майдонларида хорижий агротехник тадбирлар жорий этилаётгани, бу йил илк маротаба мамлакатимизда гўзанинг юқори ҳосилдор навлари келтириб еклиганида ҳам намоён бўлганди.

Яқин-яқингача вазирлик бошқармалари ва тизим ташкилотлари билан туман бўлимлари, фермер ҳамда деҳқонлар ўртасида мулоқот мунтазамлик касб этмасди. Бу эса ислохотлар изчиллигига салбий таъсир кўрсатарди. Мана, олти ойдики, жорий этилган вертикал тизимли бошқарув вазирлик раҳбарияти ва тегишли бошқармалар бошлиқлари ҳамда тизим ташкилотлари мутасаддиларининг нафақат вилоятларга, балки чекка туманларга ҳам бориб, фаолиятини ўрганишда қўл келмоқда. Муаммо ва камчиликларни аниқлашга ёрдам берапти.

Ҳозир туман қишлоқ хўжалиги бўлимларига инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, янги ерларни ўзлаштириш, ерни лазерли текислаш, маҳаллалардаги ишсиз ёшларга ер ажратиш, дала четидан самарали

фойдаланиш, боғларни янгилаш, Сайхунбод тажрибасини жорий этиш, томорка маданиятини юксалтириш каби 20 та йўналиш бўйича мажбуриятлар юклатилган. Ўрганишлар чоғида айнан мана шу йўналишлар борасида ишлар ҳолати таҳлил қилинмоқда. Дастлаб ўша туманга қарашли экин майдончилиги ҳолат — дала маданияти, дала четидан унумли фойдаланиш, ерни лазерли текислаш, агротехник тадбирлар сифати, хорижий ва маҳаллий гўза навлари, ички сўғориш тармоқлари ҳолати кўздан кечирилмоқда.

ЮҚОРИ ДАРОМАД ГАРОВИ

Пахтачиликда узоқ йиллардан бери фойдаланиб келинаётган махсулдорлиги паст навларни юқори ҳосилдор навларга алмаштириш мақсадида бу йил илк бор мамлакатимиз бўйича 100 минг гектар ерга Хитой, Туркия ва Ҳиндистондан гўзанинг турли касаллик ва зараркунандларга чидамли навлари келтириб еклиди. Шунингдек, аксарият ҳудудда чигитни одатдаги 90 схемада яқкақатор қилиб экиш ўрнига 76 схемада қўшқатор қилиб экиш тажрибаси сифатида йўлга қўйилди. Ўрганишлар натижасига қўра, айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Бухоро, Қашқадарё, Фарғона, Наманган вилоятларида хориж гўза навлари яхши ривожланмоқда. Пахтачилик кенгаши олимлари ва вазирлик мутасаддиларининг дастлабки ҳисоб-китобига қўра, бундан кейинги агротехник тадбирлар ўз вақтида амалга оширилиб, об-ҳаво кўнгилдагидек бўлса, далаларда ҳосилдорлик каррасига ошади.

Қишлоқ хўжалиги ерининг ҳар қаричи ҳисоби. Шунинг учун ҳам юртдошларимизда дала маданиятини шакллантириш, дала четидан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Пахта ва галла майдонлари четидан унумли фойдаланиб, кундалик эҳтиёж учун зарур қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштирилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларининг чекка туманларидаги маҳаллаларда ҳам Сайхунбод тажрибаси асосида аҳоли хонадонларида чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, боғдорчилик, иссиқхоначилик фаолияти йўлга қўйилганди. Бунда вазирлигимиз ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар маркази “хонадонбай” усулида иш ташкил этиб, илмий-тадқиқот институтлари олимлари ва тадқиқотчиларини жалб этгани қўл келаяпти.

Долзарб мавзу



маблаг 4 триллион 371,7 миллиард сўмни ташкил этди.

Хусусан, Инвестиция дастури доирасида жами 1233 та объект бўйича ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларининг қиймати 8 триллион 492,7 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, экспертиза кўригидан сўнг тавсия этилган қиймат 7 триллион 128,3 миллиард сўм этиб белгиланиб, 1 триллион 364,4 миллиард сўм иқтисод қилинди.

Дастур доирасидаги ижтимоий соҳа объекти, яъни 2024 йилда режалаштирилган 747 та мактаб, мактабгача таълим ташкилоти ҳамда ижод ва ихтисослашган мактабларни қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларининг 743 тасига қайтадан йўлга юзасида хушхалатлиги тақдим этилди. Мазкур объектлар бўйича ишлаб чиқилган дастлабки лойиҳа-смета ҳужжатларининг қиймати 4 триллион 611,4 миллиард сўмга тенг бўлган. Экспертиза кўригидан сўнг иқтисод қилинган маблаг 967,4 миллиард сўмни ташкил этди.

Самарали боғдорчилик тузилмасини яратиш ҳамда тизимлаштириш натижасида аҳоли ўртасида ишсизлик кўрсаткичи камайди. Бу, ўз навбатида, мамлакатдан чиқиши мумкин бўлган инсон ресурслари манфий прогрессиясининг олдини олди.

Бундан ташқари, маҳаллаларда ишсиз юрган ёшлар бандлигини таъминлаш учун жорий йилда ажратилган 60 минг гектар ерда ҳаракатчан ёшларимиз қишлоқ хўжалиги экивлари етиштирилиб, нафақат ички бозорларга, балки экспортга ҳам йўналтирилмоқда.

Аҳоли фаровонлигини ошириш, бандлигини таъминлашда қўшимча қиймат занжири яратиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун эса соҳада инвестицияларни жалб этиш лозим. Шу боис, туман қишлоқ хўжалиги бўлимларида “Аҳоли жон бошига бир доллар”, “Бир хонадон — бир доллар” тамойиллари асосида инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва шу асосида ҳар ойда тумандаги аҳоли ёки хонадонлар сонидан келиб чиқиб, инвестиция маблағларини жалб этиш бўйича тавсиялар берилмоқда. Чунки мамлакатимизда ҳар йили 26 миллион тонна қишлоқ хўжалиги махсулоти етиштирилса-да, атиги 7 миллион тоннаси экспорт қилинади. Бу кўрсаткич аграр соҳада улкан имкониятларга эга бўлган давлат учун жуда кам. Шундан келиб чиқиб, жорий йилда қишлоқ хўжалигида 3,5 миллиард долларлик махсулот экспорт қилиниши кўзда тутилган бўлса, кейинги йил бу қиймат 10 миллиард долларга етказилганди.

Бугун қишлоқ хўжалигида ишнинг кўзини биллиб ҳаракат қилганинг дастурхони обод, кўнгли тўқ. Аграр соҳадаги ислохотлардан унумли фойдаланиш, мамлакатимиз экспорт имконияти сезиларли ошади. Утган йили Австралия, Янги Зеландия, Сингапур, Колумбия, Индонезия каби 10 дан ортқ янги бозорга чиқилди. Махсулотларимиз экспорт қилинадиган мамлакатлар сони 100 тага етмоқда.

Президентимиз раислигида иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш юзасидан биринчи ярим йилликда амалга оширилган ишлар ва келгуси вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида вазирлигимиз зиммасига Хитой ва Туркия тажрибаси асосида қишлоқ хўжалигида уруғчилик тизимини тўлиқ қайта қўриб чиқиб, экивлар генбанкни кенгайтириш чораларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Туманларда 75 минг гектар самарасиз боғ борлиги, ҳар йили минг гектардан боғни тиклаш зарурилиги, бу борада янги тизим жорий қилиниб, ҳокимликларга санатлашган боғларни яратиш учун бюртмра бериш шартлари белгиланди. Бунинг натижасида тадбиркорларга 30 йилга ер ижарага берилиши, шунингдек, санатлашган боғларни яратиш учун имтиёзли кредитлар ажратилиши таъкидланди.

Шу билан бирга, 75 минг гектар самарасиз боғ ҳамда 100 минг гектар паст ҳосили пахта, галла ва бошқа экин ерлари ўрнида санатлашган боғ ҳамда тоқзорлар барпо қилиш бўйича уч йиллик дастур ишлаб чиқилди. Қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқаришни молиялаштиришга 1 триллион 115 миллиард сўм йўналтирилади. Бундай сазй-ҳаракатлар янги суръатда ривожланаётган Ўзбекистон аграр тармоғини янада юқори босқичга олиб чиқади.

Қурилишда ЭКСПЕРТИЗА харажатларни камайтириш эмас, аҳолига сифатли уй-жой топшириш дегани

Мираббос ИНОЯТОВ, “Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертиза қилиш республика маркази” давлат муассасаси директори

Статистик маълумотларга қўра, жорий йилнинг олти ойида юртимизда 79,8 триллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилган. Бу кўрсаткич 2023 йилнинг мос даври билан солиштирилганда 10,1 фоиз ошган. Англашिलाдики, мамлакатимизда бунёдкорлик ишлари қўламини йил сайин кенгайтиб, қурилиш сегменти иқтисодиётнинг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган соҳаси сифатида бўй кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунда кечаётган бунёдкорлик қўламини “Ишқилиб, ишлар сифатли бажарилгандими”, деган фикрга ҳам олиб келиши мумкин. Зеро, қурилишда сифат бирламчи аҳамиятга эга. Жараёнинг дастлабки босқичида қилинадиган лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизаси эса объектнинг сифат кўрсаткичларини белгилوшчи муҳим мезонлардан саналади. Айнан экспертиза жараёнида лойиҳа ҳужжатларининг шаҳарсозлик норма ва қоидалари ҳамда тегишли нормативларга, сейсмик мустаҳкамлик, ёнгина бардошлилик, энергосамоардорлик йўналишларида белгиланган талабларга мувофиқлиги кўздан кечирилади. Лойиҳаларда асоссиз назарда тутилган харажатлар

қисқартирилиши ҳисобига яширин иқтисодиёт шаффофлашади. Бугун объектлар лойиҳа ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиш вазифаси Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертиза қилиш республика марказига юклатилган бўлиб, ташиқлот Президентимизнинг 2023 йил 28 августдаги фармонига асосан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК негизида давлат муассасаси шаклида қайта ташкил этилган.

Ҳозир экспертиза соҳасини тўлиқ рақамлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Натижада “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимидаги “Лойиҳа-смета ҳужжат-



ларини экспертизадан ўтказиш” электрон платформаси тўлиқ рақамлаштирилган ҳолда тудбан янгиланди. Шу билан бирга, экспертиза кўригига тақдим этилаётган айрим тоифадаги лойиҳаларни кўриб чиқиш учун муайян ҳудудга йўналтириш функцияси беркор қилиниши манфаатлар тўқнашувини бартафад этишда, юзга келиши мумкин бўлган коррупциявий ҳолатларнинг олдини олишда қўл келмоқда. Лойиҳаларни кўриб чиқувчи ҳудуд эса автоматлаштирилган дастурий

таъминот орқали мустақил равишда, ҳудуднинг иш юкламасини инобатга олган ҳолда тасодиқий усулда танланади.

“Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимида ишга туширилган expertiza.mc.uz платформаси бошқа манфаатдор идора ва ташкилотларнинг электрон платформалари билан интеграция қилинди. Экспертиза тўловлари биллинг тизимига ўтказилган. Бунда марказимиз ҳамда бюртмачи ташкилотлар ўртасида тузиладиган шартномалар электрон тартибда расмийлаштирилади.

2022 йил 1 сентябрдан эътиборан, янги қурилиш режалаштирилаётган, хавфлилик омилли IV тоифага мансуб объектиларга Фанлар академиясидан зилилабардошлик бўйича ижобий илмий хулоса тақдим этилган тақдирдагина экспертлар томонидан шаҳарсозлик ҳужжатларини кўриб чиқиш тартиби йўлга қўйилди.

Барча дастурлар доирасида 2024 йилнинг олти ойида “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимидаги “Лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш” электрон платформаси орқали келиб тушган 6,3 мингдан зиёд объект лойиҳасига йўлға эксперт хулосалари тақдим этилди. Экспертиза жараёнида лойиҳа ечимларини яхшилаш ва норматив талабларга мослаштириш, лойиҳалардан асоссиз кўзда тутилган харажатларни чиқариб ташлаш ҳисобига тежалган



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

2024 йил 7 август, 157-сон

МУҲИМ ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

БУ ЖАРАЁН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ҚАНДАЙ НАМОЁН БЎЛМОҚДА?

Юксалиш одимлари

Олий таълим ҳар бир давлатнинг келажаги учун муҳим йўналишлардан. Ўқитишнинг ушбу босқичи юқори малакали мутахассислар тайёрлашга қаратилган. Шу боис, бу соҳа давлатнинг ҳар доим диққат марказида.

ланишнинг асосий кўрсаткичларини аниқлаб берди. Тизимли чора-тадбирлар натижаси ўлароқ, мамлакатимиздаги иккита университет — “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети ҳамда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети биринчи мартаба дунёнинг 1000 та энг яхши университети рейтингига киритилди.

Мамлакатимиз олий таълим тизимида илгор стандартларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2020 йилдан барча олий таълим ташкилотларини босқичма-босқич Европа университетлари таълим тизимига асосланган кредит-модуль тизимига ўтказиш бошланди. Бу эса ўқув дастурларининг мослашувчанлигини таъминлаб, талабаларга фанларни танлаш имкониятини берди. Ўз навбатида, кредит-модуль тизимининг жорий этилиши Ўзбекистондаги олий таълим ташкилоти ва бошқа давлатдаги ҳамкор университет дипломларини олиш имконини берувчи икки томонлама диплом амалиётининг фаол кенгайишига ёрдам беради.

Тизимдаги энг муҳим ютуқлардан бири олий таълимга қамровнинг кенгайишидир. 2023 йилда қамров кўлами 42 фоизни ташкил этди. Бу 2016 йилдаги кўрсаткичдан деярли беш баробар кўп. Бугун университетлардаги талабалар сони 1,3 миллион атрофида. Олий ўқув юртлири сони 2016 йилдаги 77 тадан

2023 йилга келиб, 213 тага етди (шулардан 97 таси нодавлат ёки хорижий олий таълим ташкилотлари). Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2021 йилдан бошлаб давлат университетларида кундузги шаклдаги бакалаврият таълим йўналишларига кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган 200 абитуриент учун Ўзбекистон Республикаси Президенти гранти жорий этилди.

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб хорижий университетлар ва филиалларида, шунингдек, республикамиздаги нодавлат университетларда 1000 та грант ўрни ажратилди. Бундан ташқари, ушбу ўқув йилидан бошлаб умумий параметрлардан ташқари Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг тасвияномасини олган, олий маълумотга эга бўлмаган аёллар учун 2000 та давлат гранти ажратилмоқда.

Муҳим янгиланмадан яна бири олий таълим ташкилотларига академик ва молиявий мустақиллик берилишидир. Олий таълим ташкилотларининг академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқот ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқи конституциявий кафолат даражасида мустаҳкамланган. Бугун 40 та олий таълим ташкилотига академик ва молиявий мустақиллик тақдим этилган. Шу билан бирга, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигида Республика олий таълим кенгаши ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу рўйхатни кенгайтириш ҳуқуқи берилган.



Абдулазиз РАСУЛБЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти илмий котиби

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён таълим, шу жумладан, олий таълим давлат сиёсатининг асосий масалаларидан бўлиб келмоқда. Утган даврда “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг учта таҳрири қабул қилинди. Бу қонун ҳужжатлари доимий равишда янгиланиб, тақомиллашиб бораётганидан далолат беради.

Ривожланишнинг ҳозирги босқичида олий таълим тизимида муҳим институционал ўзгаришлар юз бермоқда. Маъмурий ислохотлар доирасида ҳамда олий таълим, илмий ва инновацион фаолият интеграциясини таъминлаш мақсадида масъул вазирлик Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига айлантирилди. Вазирлик тизимида Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари маркази фаолият юритмоқда. У малака талаблари ва таълим дастурларини таҳлил қилиш, олий таълимни ривожлантириш бўйича илгор хорижий тажрибаларни ўрганиш билан шуғулланмоқда.

2019 йилда Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилинди. Бу олий таълим соҳасида давлат-хусусий шериклини ривожлантириш, мамлакатдаги университетларнинг халқаро миқёсда тан олинган ташкилотлар рейтингидagi мавқеини ошириш учун асос яратди. Ушбу ҳужжат олий таълим тизимини тақомиллаштиришнинг стратегик дастурига айланди ва ривож-



Олий таълим, фан ва инновациялар интеграциясини таъминлаш ҳам замонавий ислохотларнинг асосий вазифасидир. Мамлакатимиз олий таълим ташкилотларида “Университет 3.0” концепцияси жорий этилмоқда. Бу олий ўқув юртлирида таълим, фан, инновация ва тадқиқот натижаларини тижорийлаштириш ўртасидаги боглиқлиқни таъминлайди. Натижада университетларнинг илмий салоҳияти 40 фоизни ташкил этди, “Scopus” ва “Web of Science” илмий маълумотлар базасидаги мақолалар сони 3,5 мингдан ошди. 2023 йил якунига кўра, олий таълим ва илмий ташкилотларнинг илмий тадқиқот натижаларини тижорийлаштириш қиймати 270,6 миллиард сўмини ташкил этди. Илмий ҳажми маҳсулотларга ихтисослашган 17 та спин-офф компания очилди.

Олийгоҳлар инфратузилмаси ва моддий-техник базасини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор берилляпти. Олий таълим ташкилотлари ўқув бинолари қуввати 2016 йилдаги

274 минг 72 тадан 2023 йилга келиб, салкам 400 мингтага етди. Талабалар турар жойида яшаш истигини билдирганларни ётоқхона билан таъминлаш даражаси 2023 йилда 52 фоиз бўлди (2019 йилда — 28 фоиз). Шунингдек, давлат-хусусий шериклик асосида янги ётоқхоналар ташкил этиш учун шароит яратилмоқда.

Мазкур тизимни ривожлантириш доимий тақомиллаштириш ва янгиланишни талаб қилади. Шунинг учун бозор эҳтиёжлари ва ўзгарувчан шароитларга эътибор қаратиш лозим. Фикримизча, олий таълим тизимининг ҳозирги ривожланиш тенденциясини ҳисобга олган ҳолда қатор йўналишларга эътибор қаратиш зарур.

Аввало, ҳудудларда олий таълим қамровини кенгайтириш керак. Бугун барча олийгоҳларнинг деярли ярми, яъни 88 та олий таълим ташкилоти Тошкент шаҳрида жойлашган. Ўз навбатида, олий таълим ташкилотларида таълим шароити, тизими ва сифати барча ҳудудларда бир хил бўлиши мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, олий таълим ташкилотларини ийриклаштириш ва соҳаларни мақбуллаштириш тавсия этилади. Бозор эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда яқин соҳалардаги олий таълим ташкилотларини базасида миллий ёки давлат университетларини яратиш масалалари муҳокама қилиниши керак. Бундан ташқари, келажақдаги иш берувчилар ва меҳнат бозори талабларини ҳисобга олган ҳолда бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини мақбуллаштириш лозим. Маълумот учун, бугун Ўзбекистонда бакалаврият йўналишлари сони 195 та, Қозғистонда — 173 та, Финляндияда — 132 та, Жанубий Кореяда — 100 га яқин.

Учинчидан, олий таълим босқичида иш берувчиларнинг бўлажак кадрлар билан алоқасини мустаҳкамлаш зарур. Бундай алоқа ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, иш берувчиларнинг талабалар билимини баҳолашда фаол иштирок этиши ҳамда илмий тадқиқот ишланмаларини молиялаштиришдан келиб чиқиб шакллантирилиши керак.

Ислохотлар амалда

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Муроджон БОТИРОВ, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Сифатли тиббий хизмат билан таъминлаш нафақат аҳоли саломатлиги, балки миллий тараққиётимиз учун муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар ва тиббиёт кадрларини тайёрлаш бўйича инновацион ёндашувлар соҳани халқаро стандартларга мослаштиришга қаратилган.

Президентимиз ташаббуслари мамлакат соғлиқни сақлаш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни назарда tutadi. Соҳа учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурларини янгилаш мақсадида тиббиёт таълими тизимини модернизация қилиш бўйича қатор кўрсатмалар берилмоқда. Бу жараёнда ўқув дастурларини замонавий талабларга мослаштириш ва халқаро стандартларга уйғунлаштириш асосий ўрин эгаллайди.

Халқаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш учун турли ташкилотлар ва илгор мамлакатлар билан алоқаларни кенгайтиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу орқали давлатимиз тиббиёт соҳасидаги илгор тажрибаларни



ўзлаштириб, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон миқёсидаги тенденцияларга мослаштириш имкониятига эга бўлди. Бунга турли мамлакатлар билан ҳамкорликда ташкил этилаётган тиббиёт форумлари яқол мисол бўла олади.

Технологик инновациялардан фойдаланиш мақсадида тиббиёт таълимида инновацион технологиялар жорий қилинмоқда. Виртуал реаллик (VR), симуляция марказлари ва бошқа замонавий усуллардан фойдаланиш орқали тиббиёт кадрларини тайёрлаш сифатини яхшилашга эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари асосида бир қанча тиббиёт олий таълим муассасалари учун янги, замонавий лаборатория ускуналари харид қилинди.

Тайёрланаётган кадрлар рақобатбардош бўлиши, замонавий билимларни пухта эгаллаши, амалиёт ва назария ўзгаришларини таъминлаш учун янги ўқув дастурлари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди. Бу дастурлар замонавий тиббиёт талаблари ва халқаро стандартларга асосланган бўлиб, тиббий кадрлар малакасини оширишга қаратилган. Ўқув дастурлари жаҳондаги етакчи олий таълим муассасалари ўқув дастурлари билан интеграция қилинди ва кредит-модуль тизимига ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 22 январдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида соғлиқни сақлаш тизимини тақомиллаштиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизими аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қаноатлантириш, тиббий хизматлар сифати ва фойдаланиш қулайлигини ошириш мақсадида жиддий ўзгаришларни бошдан кечириб, тиббиёт муассасаларини модернизация қилиш билан бир қаторда янги шифохона ва поликлиникалар қуриш асосий вазифа бўлди. Бу тиббий ускуналарни янгилаш ва тиббий хизмат кўрсатишнинг умумий шароитларини яхшилашни ўз ичига олади. Тиббий хизматларнинг барча ҳудудга, жумладан, қишлоқ ва чекка жойларга ҳам етиб боришини таъминлаш бўйича ишлар қилинди. Аънанавий соғлиқни сақлаш хизматлари чекланиши



ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ 2024 ЙИЛ 22 ЯНВАРДАГИ “СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ИСЛОХОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ АСОСИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ТАҚОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА “ЙЎЛ ХАРИТАСИ” ТАСДИҚЛАНДИ.

мумкин бўлган ҳудудларда тиббий маслаҳат ва диагностика ўтказиш имконини берувчи мобил клиникалар ва телемедицина хизматлари ташкил этилаётгани фикримиз тасдиқидир.

Ҳар қандай соҳанинг муваффақияти ҳодимлар малакасига боглиқ. Юртимизда

соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича янги стратегиялар амалга оширилмоқда. Таълим дастурларини модернизация қилиш, тиббиёт ОТМларида ўқув дастурлари тиббиёт фани ва технологиясининг энг сўнгги ютуқларини ҳисобга олган ҳолда янгиланди. Бу эса

битирувчиларнинг замонавий тиббиёт олди-га қўйилган вазифаларни ҳал қилишга пухта тайёргарлик кўришини таъминлайди. Асосий эътибор амалий тажрибани назарий билимлар билан бирлаштиришга қаратилди.

Шифокорлик касби узлуксиз таълим олишни тақозо этади. Бу эса тизимда масофавий таълимни жорий этишга эҳтиёж пайдо қилади. Узлуксиз таълимга эҳтиёжга жавобан мамлакатимизда масофавий таълим платформалари ишлаб чиқилган. Ушбу платформалар тиббиёт мутахассисларига ўз таълим ва машғулотларини онлайн давом эттириш имконини беради, уларга ўз тезлиги ва жадвалларига мувофиқ ўрганиш учун мослашувчанлиқни таъминлайди.

Тиббиёт талабалари ва мутахассисларига амалий машғулотларда қатнашиш учун кўпроқ имконият берилди. Тез ривожланаётган тиббиёт билан ҳамқадм бўлиш учун Ўзбекистонда соҳа ҳодимларининг доимий малакасини ошириш дастурлари жорий этилди. Ушбу дастурлар мунтазам тренинглр, семинарлар ва халқаро конференцияларда иштирок этишни ўз ичига олиб, соғлиқни сақлаш ҳодимларининг энг сўнгги ишланмалардан хабардор бўлишини таъминлайди.

Аънанавий ўқитиш усулларидан ташқари тиббиёт ҳодимларининг малакасини ошириш учун инновацион ёндашувлар қўлланилмоқда. Тиббиёт таълимида симуляцияга асосланган тренинглр тобора оммалашиб бормоқда. Ушбу марказлар талабалар ва мутахассислар ҳақиқий беморларга хавф туғдирмасдан процедуралар, клиник қарорлар қабул қилиши мумкин бўлган хавфсиз муҳитни таъминлайди.

Виртуал режим технологиялари тиббий таълим дастурларига интеграция қилинмоқда. Ушбу технологиялар тингловчиларга мураккаб жарроҳлик муолажалари ёки фавқулодда вазиятларга жавоб берадиган сценарийларни виртуал муҳитда қўллаш имконини берувчи бой тажрибани тақлиф этмоқда. Бу нафақат техник кўникмаларни яхшилайдиган, балки танқидий фикрлаш ва қарор қабул қилиш қобилиятини ҳам оширади.

Соғлиқни сақлаш тизимида юртимиздаги ислохотлар ва кадрлар тайёрлашга янгича ёндашувлар соҳанинг мустақкам ва тезкор ривожланишига замин яратмоқда. Янгиланишлар келажақда жаҳон миқёсида Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги нуфузини мустаҳкамлашга хизмат қилади.



Дилдаги гаплар

Отам давлат хизматлари биносидан чиқиб келгач, “Манави сенинг ишингми?” дея янги ҳайдовчилик гувоҳномасини менга узатди. Хеч нарсани тушунмай отамга термилдим. “Яшаш манзилига қара”. Шу гапдан кейин ҳужжат ёзувларини ўқиб донг қотдим. Тошкент вилоятидаги уйни ўз номимга расмийлаштиргач, отам ҳам шу ерга доимий рўйхатга ўтиб кетган экан! Бундан эса на бизнинг, на ўзининг хабари бўлган. Ўшанда кўнглимдан ўтган ўйларни сўз билан айтиб, тушунтириб бўлмайди. Отам иккимиз бир муддат бир-биримизга термилиб турдик-да, беихтиёр кулиб юбордик. Бу кулги алам, изтироб коришиқ кувонч эди, назаримда.

Отам қатъий жавоб айтади. Орқада навбат кутиб турганлар пичир-пичирни бошлайди. “Бобо пенсиясини ишлатмаслик учун атайлаб картага ўтказаяпти, шекилли”. “Шу-шу, бўлмаса, қўлига нақд келиб турган пулни ким ҳам картага ташлатади?! Кеча Шўрчида сўрадим, картадан пулни нақд қилиб бериш учун 15 фоиз ушлаб қолар экан!” “Ўн бешга чиқибди-ми? Шунда бир миллиондан 150 минг олиб қоладими?! Одамлардан инсоф ҳам кўтаришди!”

Отам ҳужжатларни имзолагач, бояги кишиларга юзланади: “Ўғлим Тошкентда ишлайди, кўчиб кетганмиз. Тошкентда терми-



Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

БОБОЛАР ОРЗУСИ НАБИРАЛАР ҲАЁТИДА ЎЗ АКСИНИ ТОПМОҚДА (Эссе)

сарф этган экан. Бу, айниқса, ҳар йил куз келганида аниқ кўринарди.

Мақтабнинг кенг ҳовлиси. Бинонинг асосий эшигига рўпара бўлиб ўқитувчилар турибди. Уларнинг икки ёнидан биз — ўқувчилар саф торганмиз. Ўртада мактаб директори. У овозига ясама улугворлик бериб сўзлайди: “Биринчи синфга рухсат, иккинчи синфдан то тўртинчи синфгача дарсга келади, икки соат дарсда ўтириб,

Шу тариқа пахтага чиқмайдиган бўламан. Директорнинг важохатидан чўчиганимни билган отам ўқитувчилар билан ўзи гаплашишини айтади. Уларга нима дейди, қандай гаплашади, билмайман. Ҳозир ҳам буни тасаввур қила олмайман. Ахир ўша



кейин секин далага. Ўқитувчилар, ўзларинг бош бўлиб, саноқдан камайтирмай олиб борсанлар”.

Қатор орасида пичир-пичир бошланади. Юқори синф ўқувчилари қайси бригаданинг пахта даласига “сурғун” қилиниши ҳақида баҳслаша бошлайди. “Жим!” Директорнинг овозидан ҳамма бирдан сергак тортади. Сўнг юқори синфларнинг пахтага чиқиш режими, кунлик режа ҳақида батафсил айтилади. Гап сўнггида директор “Уйи яқинлар уйдан, бошқалар ҳам яқинроқ жойдаги қариндош, дўстларидан фартук олиб келсин, ҳозирнинг ўзида ҳамма далага!” дейди.

Мақтаб ҳовлисидан шундоқ уйимиз кўриниб туради. Фартук сўраган синфдошларим ортимдан эргашади. Ҳовлида ўрик соясида ёнбошта ёстиқни босиб, радио эшитиб ётган отам бошини кўтаради. У пахта теримига кетаётганимизни эшитиб сергак тортади: “Яна бошландими?! Фартук керак бўлса, бериб юборавер, сен ҳеч қаерга бор-масан!”.

Бу гапни эшитиб ўтирган онам гапга қўшилади:

— Ҳамманинг боласи қатори бориб келаверсин, нима қиласиз қайтариб? Ишқмас бўлиб қолади.

— Менинг болаларим пахта ораламай катта бўлади!

замонларда мен пахта термасам, ўрнимга кимдир териши, режани бажариши керак. Мактаб директори ҳам фермердай гап эди. У ҳар куни кечки пайт қанча пахта топширгани ҳақида ҳокимга ҳисоб беради. Ундан болаларнинг билим даражаси эмас, “оқ олтин” дейиладиган қора заҳмат сўралади. Шундай вазиятда директор учун битта боланинг далага чиқмаслиги ҳам катта йўқотиш. Аммо отам ҳар йили бунинг уйдасидан чиқарди.

Аслида, бу жуда катта жасорат эди. Фақат ҳозир бу ишнинг нечоғли аҳамиятга эгалигини ўғлимга тушунтира олмайман. Чунки пахта нима, нега уни ўқувчилар териши керак, деган гапларни билмайдиган бўлишим ҳам!

Шу тариқа пахта даласига сира ораламайман. Мабоодо талатўпда бошқалар қатори дала бошига борсам ҳам эгат оралаб, адоқдан чиқиб, уйга қочаман. Онам “Ишламасанг, пахта термасанг, дарсингни қил”, дейди. Дарсликни очиб, балони ҳам тушунмайман. Бирор соат дарс ўтилмаган ахир. Сўнг қайсидир асарни олиб муқ тушаман. Шуккур Холмирзаев, Саид Аҳмад, Чингиз Айтматовдай ёзувчилар билан шу тахлит “дўстлашаман”. Бундан отам фахрланади. Туман, вилоят газеталарида чоп этилган мақолаларимни кўриб кўнгли ёришади. Дўстлари билан бир даврада ўтирганда уларга ҳазил қилади: “Хушёр бўлинг, бу бола журналист, нимани эшитса, шундай ёзади!”.

Бундан уялман. Отам нега ҳаммага мен ҳақимда бундай гапларни айтаверишини ҳали тушунмайман. Кейинчалик биламанки, оталар шу тарзда фарзандлари билан фахрланади. Буни Тошкент вилоятига кўчиб келиб яшай бошлаганимизда аниқ ҳис этаман.

Ўшанда 2015 йиллар эди. Ҳовли сотиб олиб, кўчиб келганмиз. Аммо “прописка” муаммоси сабаб расман бу уйда ижарада яшаймиз. Уйни қишлоқдош ошманнинг номига расмийлаштирганмиз. Кўшимиз Эргаш бобо ишнинг кўзини биладиган одам. У Сурхондарёдан қорақўл тери топиб келган. Унинг ёнига яна нималардир қўшган, казозкалар олдиға кириб, совгани берган, ишни пишитган. Шу тариқа ўғли Қўлмирза Тошкентнинг доимий рўйхатга олинган фуқароси! Бу ўша вақтларда худди ўрта асрлардаги олий ирқ вакили дегандай гап эди.

Ана шундай кунларда пенсияни Сурхондарёдаги почтачи Хайрулла ака беради. Отам муддат яқинлашгани ҳамон бот-бот унга кўнглироқ қилади. Пенсия пулини қариндошларга беришини айтади. Хайрулла ака истар-истамас ота-онанинг пенсиясини амакиларимга олиб боради. Сўнг улар Тошкентга келаётганлардан бериб юборади.

Бир сафар отам Сурхондарёга бориб, онамга ҳам, ўзига ҳам пластик карта олиб

нал бемалол, картадан савдо қилаверамиз”, дейди. Банкдагилар унинг ортидан ҳавас ва ҳасад аралаш қараб қолади. Аммо улар катта бозорда пластик картада бемалол савдо қилинадиган дўкон атиги иккита эканини билмайди. Боз устига, нархлар бошқаларидан икки ҳисса қimmatлигини ҳам. Хомчўтимга кўра, нархдаги фарқ ўша 15 фойздан сира кам эмасди. Буни барчамиз билар, аммо нарх қimmatлиги ҳақида сира оғиз очмасдик. Тавба, ҳеч ким гапиришни таққилламаган, лекин гапирилмайдиган ҳолатлар бўлар экан-да! Шундай вазиятга тулганида одам ўзини нақадар ожиз, нотавон ҳис этишини билсангиз эди...

Яқинда отамни чин дунёга кузатдим. Қўрғон қулагач, кичик тепаларга шамолнинг шиддати аниқ билинар экан. Ана шу шамолни тўсиш навбати менга етди. Шу ҳақда ўйлаб, отамнинг матонатига қойил қолганим рост. Отам том маънода доим мени елкасида олиб юрган экан. Акс ҳолда, Тошкентга келиб елка қисиб яшашга мажбур бўлмасди. Ўйлаб кўринг, боласини пахтага оралатмаган ота унинг иқболи учун ўғли билан тенгдош участка нозирининг олдига бош эгиб туриши... даҳшатнинг ўзгинаси эди мен учун.

Ўша куни яшанба эди. Паркент туманидаги бозорга бордим. Чўнтагимда тайинли



келди. Пенсияни ўз ихтиёри билан картада олмоқчи эканини билганлар отамни сал қўлса девонага чиқарай деган. Банк ходимлари такрор-такрор сўраганимиз: “Бобо, ростдан ҳам пенсияни пластик картада олмоқчимисиз? Кейин изига қайтариб бўлмайди, яхшилаб ўйлаб кўринг!”.

пулим бўлмаса ҳам бозордаги қорамол ва қўйларнинг нархини сўрадим. Сурхоннинг жайдари одамларини эслатадиган олиб-со-

тарларнинг қўл силташини томоша қилиб уйга қайтдим. Келсам, ота-онам ҳам, болаларим ҳам мунгайиб ўтирибди. Вазият бундай: мен йўқ маҳал участка нозир келади. Аввалига отамга оддий текширув, дея паспортларни олади. Сўнг отамнинг ялиниши, тушунтиришига қарамай, паспортларни ўзи билан олиб кетади. Кетар чоғи “Ўғлингиз келса, маҳалла идорасига борсин, ўша ерда бўламиз!” дейди.

Бўсагадан қайтиб, маҳалла идорасига йўл олдим. Мактабнинг бир четидида чоғроқ хона одам билан тўлган. Ит эгасини, мушук бекасини танимайди. Шу гала-ғовурда участка нозирининг менга кўзи тушди: “Сиз кимсиз?” деб сўради.

Ўзимни таништириб, холи гаплашиб олишга чакирдим. Узун йўлакнинг бир чеккасига бориб тўхтадим. Аввалига газетда ишлашим, бекорчи ё жиноятчи эмаслигини тушунтирмоқчи бўлдим. Қани энди гап кор қилса! Нуқул “Ака, мени ҳам текширади, сизни деб ишдан ҳайдалиш ниятим йўқ, додага ҳам айтдим. Ҳужжатсиз яшасиз, эртага уйдан чиқиб кетишингиз керак”, дейди.

Ўшанда негадир вақтинчалик рўйхатга қўйишга ҳам рухсат йўқ эди. Алам ва аччиқ билан нималар дедим, билмайман. Нозир узоқ вақт кўзимга тикилиб турди-да: “Бўпти, сизга ёрдам бераман, фақат, илтимос, дарвозадан ҳеч ким чиқмасин. Ҳатто қўшнилариңиз ҳам яшайётганиңизни билмасин, текширув келиб қолса, сиз ҳам, мен ҳам яхшигина эжирма тўлаймиз”, деди.

Ўша вақтда нозир кўзимга фариштадай кўринди. Боримни олиб, унинг чўнтагига урдим. У “тушунган одам” эканимдан хотиржам тортиб, паспортларимизни узатди. Кейин вақтинчалик рўйхатга олишга рухсат бўлмагунча дарвоза очишга ҳам чўчиб яшадим. Вақт ўтиши билан бу гапларни ҳам нутундай бўлди. Ўша кунларни эсламасликка уринар, оилавий гурунлар ўша томон қараб кетганида ҳам не кунлар ўтмади, дея жим бўлардик. Токи отам ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштирмагунча.

Икки йилча аввал отам ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш учун Сурхондарёга бормоқчи бўлди. Мен уни Тошкентда ҳам алмаштириш мумкинлигини айтдим. Шу гаплар орасида ҳўжжат баҳона, мақсад сафар эканини сезиб қолдим. Сўнг “Шаҳардан алмаштиринг, навбат ҳам бўлади”, дея отамни шаҳарга олиб келдим.

Отам давлат хизматлари биносидан чиқиб келгач, “Манави сенинг ишингми?” дея янги ҳайдовчилик гувоҳномасини менга узатди. Хеч нарсани тушунмай отамга термилдим. “Яшаш манзилига қара”. Шу гапдан кейин ҳўжжат ёзувларини ўқиб донг қотдим. Тошкент вилоятидаги уйни ўз номимга расмийлаштиргач, отам ҳам шу ерга доимий рўйхатга ўтиб кетган экан! Бундан эса на бизнинг, на ўзининг хабари бўлган. Ўшанда кўнглимдан ўтган ўйларни сўз билан айтиб, тушунтириб бўлмайди. Отам иккимиз бир муддат бир-биримизга термилиб турдик-да, беихтиёр кулиб юбордик. Бу кулги алам, изтироб коришиқ кувонч эди, назаримда.

Ўтган кунларни бир-бир эсларканман, ҳамма авлоднинг ўз тарихи бўлар экан-да, деган ўй ўтди кўнглимдан. Бобом қатагон бўлган бобосини кутиб, бир умр йўл қараб боқий дунёга кетди. У ўлим олдидан сув ҳам, ажиб бир нёмнат ҳам эмас, лолақиз-ғалдоқ сўради. Саратонда лолақизғалдоқ қаерда дейсиз. Кимдир топармонлик қилди. Анорнинг янги очилган гулини олиб келди, бобом унинг лолақизғалдоқ эканига ишонди. Ҳамма ҳайрон, нега айнан лолақизғалдоқ?!

Ўшанда беихтиёр бобомнинг ой ёруғида кўз ёш билан айтиб берган тустовуқ воқеасини эсладим. Кейин кўз олдимга лолақизғалдоқ келди. Қирда қил-қизил гиламдай ястанган қизғалдоқзор оралаб арава кетиб борарди. Унинг икки четида милтиқ кўтарган икки аскар, аравада қўлига кишан урилган катта бобомиз. Ёшгина Амирхон эса “бобо”лаганча ортидан югуриб борапти.

Отам ўқимоқчи бўлганида отаси қайтарган. “Қўйинг, мустабид ҳукуматга хизмат қилманг!” Шу бир оғиз қайтариқ сабаб илмга ташна отам бир умр мени ўқитиш, яхши жойларда ишлашимни кўриш орзусида яшади. Ўзи истагандай одам бўлишим учун гуруримни синдирамасликка уринди. Ҳатто қанча оғир бўлмасин, пахта даласига яқин йўлатмади.

Ҳозир фарзандларимга шулар ҳақида — боболари орзуси набиралар ҳақида ўз аксини топиши кераклигини айтишим зарур. Бунда ҳеч қандай муаммо йўқ. Ўйлаб қарасам, менинг чекимга энг осон, аммо жуда муҳим вазифа тушибди. Зеро, болаларимга тўғри тарбия бериб, илмга қизиқтира олсам, бас. Бугунги глобал дунёда маърифатли шахсни тарбиялашнинг аҳамияти ҳақида эса келажак тарихчилари — болалар ёзади...

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилимайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида сахифаланади. Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма — 2653

41126 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.

Баҳоси келишилган нархда.

“Колограк” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манлиси: Ўзбекистон, 100060.

Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.

Босмахона телефони: (71) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Нодир Махмудов
Мусаххис: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилими:

100060, Тошкент шаҳри,

Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА яқини — 22:10 Топширилди — 22:50